

A LOOK AT LINGUISTIC METHODS IN TRANSLATION

Rakhmatullaeva Guljahon Normumin's daughter
(Samarkand State Foreign Languages teacher of the institute)

Annotation. This article is devoted to the problems of linguistic methods in translation theory and analysis types of linguistic methods, such as method of component analysis, transforming method, statistic method? Method of comparative analysis.

ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДА ЛИНГВИСТИК МЕТОДЛАРГА БИР НАЗАР

Рахматуллаева Гулжахон Нормўмин қизи
(Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси)

Аннотация. Данная статья посвящена лингвистическим методам, используемым в теории перевода и анализируются типы лингвистических методов, таких как метод компонентного анализа, трансформационный метод, статистический метод, метод сопоставления

Тилшунослик доирасидаги фанлар нафақат таржимонлик фаолиятининг муҳим жиҳатларини ёритиб беради, балки уларнинг тадқиқот доираларида шаклланган методлардан фойдаланиш таржима жараёнида олинган маълумотларни объектив таҳлил қилишга ҳам ёрдам беради. Замонавий таржимашунослик лингвистик методлардан уларнинг баъзиларига ўзгартириш қилиб ёки тўлалигича кенг фойдаланади.

Таржима жараёнида турли тиллардаги матнлар ўртасида маълум муносабатлар ўрнатилса ҳам, таржима жараёнини ўрганиш, табиийки, қиёсий таҳлил амалиётини кўзда тутаяди. Матнларни қиёслаш таржима ҳақидаги муҳим маълумот ҳисобланади. Замонавий таржимашуносликда бу каби қиёслаш амалиётининг тўрт турини кузатиш мумкин. Биринчидан, таржима матнлари оригинал матн билан таққосланади. Бу таққослаш орқали оригинал ва таржима матни структураси ва мазмунининг қай даражада яқинлиги, эквивалентликка эришиш усуллари, таржиманинг стандарт усуллари ва таржима жараёнининг сезиларли характеристикалари аниқланади. Иккинчидан, бир оригинал матннинг турли таржимонлар томонидан амалга оширилган бир неча таржималари вариантлари таққосланади. Бу ўз навбатида турли билим даражаларига ва турли хусусий қобилиятларга эга бўлган таржимонларнинг умумий қонуниятлар ассосида амалга оширилган таржималарини таққослаш имкониятини яратади. Учинчи йўли, таржима тилидаги оригинал матн таржималари таққосланади. Шу йўсинда, таржима тиллари маълум тилнинг маллий ўзига хослигини акс эттириб берувчи восита сифатида талқин қилинади. Оригинал матн таъсири остида баъзи ҳолларда таржимон таржима тилининг нормасини ёки қонуниятларини бузиши мумкин. Бу каби бузилишлар матнлар қиёсий таҳлили олиб борилганда аниқланади. Назарий жиҳатдан таржимон таржима жараёнида англаган ёки англамаган ҳолда қўллаган ўзлаштиришлар, калькалар, сўзма-сўз таржималар, у ёки бу шаклнинг такрорий қўллаши каби ҳолатлар жуда қизиқдир. Бу каби нормадан четга чиқишлар оригинал матн мазмунини тўлиқроқ қайта яратиш учун амалга оширилади, ва таржима жараёнида нормал ҳолат ҳисобланади. Тўртинчи тури жанр ва услуби жиҳатидан бир бирига яқин бўлган оригинал ва таржима матнлари қиёсланади. Бу усул орқали бир жанрга мансуб бўлган турли тиллардаги матнларда қўлланилган тил бирликларининг фарқлари ёки ўхшашликлари аниқланади, бу ўз навбатида таржима жараёнидаги стилистик адаптациянинг қай даражада керакли эканлигини ташуунтиради.

Турли тиллардаги матнларнинг қиёсий таҳлили нафақат ўхшашликларни ёки структурадаги ва мазмундаги фарқларни аниқлаш, балки ушбу матнлардаги алоҳида олинган тил бирликларини таҳлилини олиб бориш учун ҳам қўлланилади. Шу ўринда таржима назарияси қиёсий таҳлил

методидан ташқари, компонент таҳлил, трансформацион таҳлил, статистик таҳлил методларидан ҳам кенг фойдаланади.

Компонент таҳлил методи ёрдамида тил бирликлари маъносидаги элементар маъноларни (семаларни) ажратиб олиб, оригинал ва таржима матнлардаги тил бирликларининг семалар таҳлини олиб бориш мумкин ва натижада уларнинг мазмунан бир бирига яқинлиги аниқланади. Компонент таҳлил методи давомида гапдаги бир семани олиб уни таржима тилида берилган сема билан мазмунан мос келишини таҳлил қилиб кўриш лозим. Бироқ таржима жараёнида бир семанинг маъносини умуман мазмуни жихатидан унга мос келмайдиган семалар ҳам очиб бериши мумкин.

Таржима жараёнини тасвирлаш учун трансформацион таҳлил методи қўлланилади. Метод давомида ясовчи трансформалар ва ядровий структуралар аниқланади. Трансформацион ўзгаришларлар оригинал матнни адекват тушуниш воситаси хисобланиб (оригинал тилдаги трансформация), таржиманинг якуний вариантини танлаш (таржима тилидаги трансформация) имкониятини яратади. Таржима жараёнининг ўзини ҳам тиллараро трансформация тури деб талқин қилинади. Оригинал матн синтактик структураларининг маълум қоидалар асосида таржима тили структураларига ўтиши. Бу йўл орқали таржима жараёнида қўлланилган трансформация кўринишидаги қатор методларни аниқлаш мумкин.

Таржима тадқиқотларида лингвистик моделлаштириш методи муҳим ўрин эгаллайди: таржима жараёни назарий моделининг тузилиши. Бу жараён таржимон миясидаги қатор фикрлаш операциялари орқали амалга оширилиши сабабали, бевосита кузатилмайди ва ўзига хос кўринмас амал сифатида талқин қилинади. Таржима жараёнининг лингвистик модели оригинал матннинг кетма-кет ўзгартиришлар орқали таржима матнига айлантирувчи жараён сифатида тушунтиради. Таржиманинг ҳар қандай модели гепотетик (фаразий, тахминий) характерга эга бўлиб, айнан модельда кўрсатилгани каби таржимон ўзини тутишига аниқ исботлар бўлмаганлиги сабабли, модельда айтилгани каби таржима матнида бўлиши керак бўлган натижа бўлмаслиги ҳам мумкин. Замонавий таржимашуносликда таржиманинг бир неча моделлари мавжуд, бу ҳам ўз навбатида таржимани турли усуллар орқали амалга ошириш мумкинлигини англатади.

Таржима жараёни ҳақида олинаётган маълумотларнинг сифатини, аниқлигини психолингвистик тажрибалар ҳам ошириши мумкин. Бу ерда маълумот берувчилар таржрибанинг аниқ шароитларида амал қиладилар ва тажриба натижалари объектив талқин натижасида яхши самара берадилар. Айниқса қимматли натижаларга “овоз чиқариб ўйла” методида эришилади. Бу тажриба жараёнида тажрибадан ўтувчиларга ёзма матн таржимасини амалга ошириш топшириғи берилади, ҳамда жараён давомида микрофонга хаёлдан ўтаётган бар фикрларини ва таржима давомида амалга оширишмоқчи бўлган барча амалларни айтиш талаби қўйилади. Барча оғзаки равишда айтилган фикрлар ёзиб олинади ва таржима матни билан таққосланади. “Таржима атрофида бўлиб ўтаётган” барча товушлар ҳам ёзилади, яъни кулгу, ва таржимон томонидан чиқарилган бошқа барча товушлар. Бу тажриба таржимон томонидан амалга оширилган таржиманинг айрим стратегиялари ҳақида маълумот беради, бироқ таржимоннинг ички сезиш орқали амалга оширган ҳаракатлари бари бир ҳам тушунарсиз бўлиб қолаверади. Таржимани лингвистик методлар орқали тадқиқ қилиш таржима назарияси учун самарали хисобланиб, олимлар томонидан асосланиб берилган.

Адабиётлар

1. Комиссаров. В. Н. Лингвистика перевода : Монография / – 3-е изд. – 1980. – 167с.
2. Комиссаров. В. Н. Слово о переводе (Очерк лингвистического учения о переводе). - М., Междунар. отношения, 1973. – 143б.
3. Комиссаров В. Н. Теория перевода (лингвистические аспекты): Учеб. для институтов и факультетов иностр. яз. - М., 1990. – 209б.